

MEDICINE  
PROBLEMS .UZ

# TIBBIYOT FANLARINING DOLZARB MASALALARI

Vol 1. № 1  
**2023**

**MEDICINEPROBLEMS.UZ**

**TIBBIYOT FANLARINING DOLZARB  
MASALALARI**

***№ 1 (1)-2023***

**АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ МЕДИЦИНСКИХ НАУК**

**TOPICAL ISSUES OF MEDICAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

ИСАНОВА ШОИРА ТУЛҚИНОВНА- Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат тиббиёт универсиети

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Хакимов Мурод Шавкатович -тиббиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент тиббиёт академияси;

Мавланев Алимбай - тиббиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент тиббиёт академияси;

Эргашев Насридин Шамсиддинович - тиббиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент педиатрия институти;

Абдуллаева Наргиза Нурмаматовна - тиббиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат тиббиёт универсиети;

Джурабекова Азиза Тахировна - тиббиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат тиббиёт универсиети;

Хайдарова Дилдора Кадировна - тиббиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент тиббиёт академияси;

Рузбоев Санжар Абдусаломович- тиббиёт фанлари доктори, доцент, Самарқанд давлат тиббиёт универсиети;

Саттаров Ойбек Тохирович- тиббиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент тиббиёт академияси;

Ниёзов Шухрат Ташмирович - тиббиёт фанлари доктори, доцент, Самарқанд давлат тиббиёт универсиети;

Тавашаров Баҳодир Назарович - тиббиёт фанлари номзоди, Тошкент тиббиёт академияси;

Халметова Феруза Искандаровна – тиббиёт фанлари номзоди, Тошкент тиббиёт академияси;

Файбиев Акмалжон Ахмаджонович - тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Самарқанд давлат тиббиёт универсиети;

Кўзиев Отабек Журакулович - тиббиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент педиатрия институти;

Эргашева Муниса Якубовна - тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Самарқанд давлат тиббиёт универсиети;

Олланова Шахноза Сирлибаевна – тиббиёт фанлари номзоди, Самарқанд давлат тиббиёт универсиети;

Хайитов Илхом Баҳодирович - тиббиёт фанлари номзоди, Тошкент тиббиёт академияси;

Алимов Сухроб Усмонович- тиббиёт фанлари номзоди, Тошкент тиббиёт академияси;

Фозилов Укташ Абдураззокович - тиббиёт фанлари номзоди, доцент, Бухоро давлат тиббиёт институти;

Рахимов Ойбек Умарович – тиббиёт фанлари номзоди, Тошкент педиатрия институти;

Саттаров Инаят Сапарбаевич - тиббиёт фанлари номзоди, Тошкент тиббиёт академияси;

Абидов Ўткир Ўкташович – тиббиёт фанлари номзоди, Бухоро давлат тиббиёт институти;

Амонова Захро Қахрамон қизи - тиббиёт фанлари номзоди, Самарқанд давлат тиббиёт универсиети.

## **TIBBIYOT FANLARINING DOLZARB**

**MASALALARI** электрон журнали 02.03.2023 йилда 132099-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

**Муассис:** "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамияти.

## **ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: [scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

Телеграм канал:

[https://t.me/Scienceproblemsteam\\_uz](https://t.me/Scienceproblemsteam_uz)

## **МУНДАРИЖА**

<i>Liverko Irina, Abduganiyeva Elnora, Ahmedov Shahboshan, Halilova Dilnoza</i> BRONXIAL ASTMANI DAVOLASH XUSUSIYATLARI: A2BCD TAVSIYALARI (GINA2023) .....	5-12
<i>Наврузов Рустам Рашидович, Яхёева Гулчехра Мусоевна</i> НУР ТАШХИС УСУЛЛАРИ ЁРДАМИДА СОН-ЧАНОҚ БҮҒИМИ ОСТЕОНЕКРОЗИНИ ЭРТА БОСҚИЧЛАРДА ТАШХИСЛАШ: ИМКОНИЯТЛАР ВА КАМЧИЛИКЛАР .....	13-24
<i>Tillyashayxova Iroda Mirzagalebovna</i> КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИДАН КЕЙИН БЕМОРЛАРДА УГЛЕВОД АЛМАШИНУВИНИ БУЗИЛИШИ .....	25-33
<i>Tosheva Iroda Isroilovna, Ixtiyarova Gulchexra Akmalovna</i> XORIOAMNIONIT VA PERINATAL NATIJALAR .....	34-40
<i>Vafoyev Shaxzod Farhod o'g'li</i> SOG'LOM VA TURLI KASALLIKLARDA INSON ICHAK MIKROFLORASI HOLATINING O'ZGARISHI .....	41-49
<i>Собирова Гузал Наимовна, Бафоева Зарнигор Орифовна</i> COVID-19 БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА ВИРУСГА ҚАРШИ ИШЛАТИЛГАН ДОРИ-ПРЕПАРАТЛАР НАТИЖАСИДА ЖИГАР ФЕРМЕНТЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ ТАҲЛИЛИ .....	50-56
<i>Миррахимова Мактуба Хабибуллаевна, Нишонбоева Нулуфар Юнусджоновна</i> БОЛАЛАРДА АТОПИК ДЕРМАТИТДА ПСИХОСОМАТИК ЎЗГАРИШЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА БАҲОЛАШ .....	57-63
<i>Назарова Нигина Отабек қизи, Жабборов Озимбай Отахонович</i> ЛЮПУС НЕФРИТ БЕМОР ГУРУХЛАРИДА КЛИНИК ТЕКШИРУВ НАТИЖАЛАРИНИ БАҲОЛАШ .....	64-70
<i>Худойдодова Сайёра Гафурджановна</i> КЛИНИКО-НЕВРОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОЯВЛЕНИЯ ВНУТРИУТРОБНЫЕ ИНФЕКЦИИ У ДЕТЕЙ .....	71-76
<i>Sultonova Nigora A'zamovna</i> ODATIY BOLA TASHLASH KUZATILGAN AYOLLARDA HOMILA TUSHISHINI TASHXISLASHNING CHORALARI .....	77-84

**Назарова Нигина Отабек қизи**  
Тошкент тиббиёт академияси, PhD, асистент  
[niginanazarova33@gmail.com](mailto:niginanazarova33@gmail.com)  
Тел: +998977583390

**Жабборов Озимбой Отахонович**  
Тошкент тиббиёт академияси, DSc, профессор

### **ЛЮПУС НЕФРИТ БЕМОР ГУРУҲЛАРИДА КЛИНИК ТЕКШИРУВ НАТИЖАЛАРИНИ БАҲОЛАШ**

**Аннотация.** Бугунги кунда тизимли қизил бўрича (ТҚБ) сабабли келиб чиқадиган люпус нефрит (ЛН) ногиронлик ва ўлим кўрсаткичи юқорилигининг асосий сабаби бўлганлиги туфайли тиббий ва ижтимоий жиҳатдан соғлиқни сақлаш тизимининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади ва уларнинг кўпайиши тобора ошиб бормоқда. Нефрология соҳасида эришилган ютуқларга қарамасдан, люпус нефрит тизимли қизил бўричанинг кенг тарқалган кўринишларидан бири бўлиб, касалликнинг учраш даражаси 40-60% ни ташкил қиласди. Ҳозирги кунда ЛНнинг ривожланишидаги гемодинамик, метаболик ва генетик омилларнинг аҳамияти муҳокама қилинмоқда. Айниқса унда башорат қилувчи генетик омилларнинг тутган ўрни катта қизикиш билан ўрганилмоқда. Аммо ЛН билан оғриган bemорларда генларнинг клиник-патогенетик аҳамияти ва прогностик роли тўлиқ ўрганилмаган хамда унинг ривожланишига сабаб бўлувчи генетик мойиллик масаласида аниқ бир фикрга келинмаган. Ушбу муаммога бағишлиланган нашрларнинг тахлилларига кўра, генларнинг ЛН патогенезига кўшадиган ҳиссаси билан боғлиқ бўлган кўплаб мунозарали масалалар илмий-тадқиқотларнинг долзарблигидан далолат беради.

**Калит сўзлар:** тизимли қизил бўрича, люпус нефрит, альбуминурия, холестерин, триглицеридлар, липопротеидлар, коптокчалар фильтрация тезлиги.

**Назарова Нигина Отабек қизи**  
Ташкентская медицинская академия, PhD, асистент

**Жабборов Озимбой Отахонович**  
Ташкентская медицинская академия, DSc, профессор

### **ОЦЕНКА РЕЗУЛЬТАТОВ КЛИНИЧЕСКОГО ОБСЛЕДОВАНИЯ ГРУПП ПАЦИЕНТОВ С ВОЛЧАНОЧНЫМ НЕФРИТОМ**

**Аннотация.** В настоящее время люпус нефрит (ЛН), который вызывается системной красной волчанкой, считается одной из актуальных проблем системы медико-социального здравоохранения в связи с высокой инвалидностью и смертностью, а количество таких пациентов увеличивается день за днём. Несмотря на достижения в области нефрологии, люпус нефрит является одним из наиболее распространенных проявлений системной красной волчанки, где степень встречаемости заболевания составляет 40-60%. В настоящее время обсуждается важность гемодинамических, метаболических и генетических факторов в развитии волчаночного нефрита. Особенно с большим интересом изучается роль генетических факторов, обусловливающих развитие волчаночного нефрита. Но клинико-патогенетическая и прогностическая значимости генов у пациентов с ВН до конца не изучены и нет однозначного ответа на вопрос о генетической предрасположенности, вызывающей развитие ВН. Согласно проведенным исследованиям, посвященным данной проблеме, в настоящее время оценка роли генов в патогенезе развития ЛП требует глубокого изучения.

**Ключевые слова:** системная красная волчанка, люпус нефрит, альбуминурия, холестерин, триглицериды, липопротеиды, скорость клубочковой фильтрации.

**Nazarova Nigina Otabek qizi**  
Tashkent Medical Academy, PhD, Assistant

**Jabborov Ozimboy Otahonovich**  
Tashkent Medical Academy, DSc, Professor

## EVALUATION OF THE RESULTS OF CLINICAL EXAMINATION OF GROUPS OF PATIENTS WITH LUPUS NEPHRITIS

**Abstract.** Currently, lupus nephritis (LN), which is caused by systemic lupus erythematosus, is considered one of the urgent problems of the medical and social health system due to high disability and mortality, and the number of such patients is increasing day by day. Despite advances in nephrology, lupus nephritis is one of the most common manifestations of systemic lupus erythematosus, where the incidence of the disease is 40-60%. The importance of hemodynamic, metabolic and genetic factors in the development of lupus nephritis is currently being discussed. The role of genetic factors that determine the development of lupus nephritis is being studied with great interest. But the clinical, pathogenetic and prognostic significance of genes in patients with HF have not been fully studied and there is no unambiguous answer to the question of the genetic predisposition that causes the development of HF. According to the conducted studies devoted to this problem, currently the assessment of the role of genes in the pathogenesis of LP development requires in-depth study.

**Key words:** systemic lupus erythematosus, lupus nephritis, albuminuria, cholesterol, triglycerides, lipoproteins, glomerular filtration rate.

DOI: <https://doi.org/10.47390/MEDV1I1Y2023N08>

**Кириш.** Ҳозирги кунда тизимли қизил бўрича (ТҚБ) сабабли келиб чиқадиган люпус нефрит (ЛН) ногиронлик ва ўлим кўрсаткичи юқорилигининг асосий сабаби бўлганлиги туфайли тиббий ва ижтимоий жиҳатдан соғлиқни сақлаш тизимининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади ва уларнинг кўпайиши тобора ошиб бормоқда. Нефрология соҳасида эришилган ютуқларга қарамасдан, люпус нефрит тизимли қизил бўричанинг кенг тарқалган кўринишларидан бири бўлиб, касалликнинг учраш даражаси 40-60% ни ташкил қиласди. Бугунги кунда ЛНнинг ривожланишидаги гемодинамик, метаболик ва генетик омилларнинг аҳамияти муҳокама қилинмоқда. Айниқса унда башорат қилувчи генетик омилларнинг тутган ўрни катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

**Адабиётлар таҳлили ва методологияси.** Тизимли қизил бўрича (ТҚБ) номаълум этиологияли тизимли аутоиммун ревматик касаллик бўлиб, органларга хос хужайра ядросининг турли таркибий қисмларига нисбатан аутоантитаналарни гиперпродукцияси ва ички органларни иммун яллиғланишли шикастланиши билан тавсифланади [1, 113-41-б; 5, 218-21-б; ]. Люпус нефрит (ЛН) ТҚБнинг энг оғир ва прогностик жиҳатдан муҳим кўринишларидан биридир [3, 521-530-б]. Ушбу касалликнинг 44-70% болалик давридан юзага чиқиши натижасида bemorlarning ҳаёти ва ҳаёт сифатига таъсир қилиши аниқланган [2, 295-300-б.]. Люпус нефритли bemorlarning камида 10%ида терминал сурункали буйрак касаллиги ривожланади, 50%ида эса авж олиш ҳолатлари кузатилади [7, 1432-41-б.]. Тадқиқот натижаларига кўра, ТҚБ билан дунёдаги умумий касалланиш ва тарқалиш 5,5 ҳолатни ташкил этади ва кўпинча аёлларда касалланиш юқори кузатилиб, 100 минг кишига 128,7 та ҳолат тўғри келади. Кўпинча ТҚБ билан касалланган bemorlarда касаллик дебюти бошланишидан 2 йил давомида ЛН юзага чиқади, бунинг натижасида буйракнинг бирламчи шикастланиши 50-75% ҳолатларда кузатилади [6, 45-64-б; ]. ТҚБ

беморларининг тахминан 20%изида ЛН 16 ёшгача бўлган bemорларда ривожланади. Шу билан бирга, ЛН билан сурункали буйрак касаллиги билан биргаликда юзага чиқиши натижасида bemорларнинг 34,5 фоизининг ўлимига сабаб бўлади. Европа аҳолисида ТҚБ нинг тарқалиши 40 минг аҳоли сонига 100 ҳолатларга тўғри келади, касалланиш хар йили 100 минг аҳолига 5-7 та ҳолат кузатилади. Касалланиш чўққиси-15-45 ёшни ташкил қилиб, асосан балоғат ёшидаги ва туғруқдан кейинги ҳолатлардаги аёлларда кузатилади. Аёллар ТҚБ дан эркакларга қараганда 10 баравар кўп касалланадилар. ТҚБ билан касалланган bemорларда ЛН ривожланиши катта ёшдаги bemорларнинг 60 % ва болаларнинг 80%ини ташкил қиласди.

Охирги ўн йилликларда ТҚБ билан касалланган bemорларнинг ҳаёт сифати ошганлиги кузатилди. Келтирилган 125 та метатаҳлиллардан хulosи қиладиган бўлсак, 5 йиллик умр давомийлиги 1950-60 йилларда 50-60%, 1990 йилга келиб 95% ошганлиги кузатилди. Умр давомийлиги 10-15 йилга кўтарилигини 2008-2016 йилларда 89% етганлиги кузатилди. Шу билан бир қаторда касалликнинг фаоллиги ва ўлим кўрсаткичлари (1960 йилда 35-70%, 2000 йилда эса 10-50%) пасайди. Бу ўзгариш энг аввало замонавий даволаш ва эрта ташхис натижаси ҳисобланади. Шунингдек касалликнинг фаоллик даражаси пасайганлиги хам кузатилди. Охирги йилларда ЛНнинг клиник кўринишлари оғирлик даражаси пасайиши кузатилди. Когорт тадқиқот натижасига кўра, ЛН дебютида буйрак фаолияти бузилиши пасайиши ва изолирланган сийдик ўзгаришлари ошиши кузатилди [4, 13-17-б.]..

ЛН нинг ривожланиши охирги йилларда ҳаёт сифати яхшилангани, bemор ёши ошиши билан кузатилди. Гистологик гуруҳларда ва ЛНнинг статистик аҳамияти индекси хронизацияси аҳамиятли пасайди сезиларли ўзгаришлар бўлмаса хам ЛН фаоллиги хронизацияси индекси статистик жиҳатдан сезиларли даражада камайди. 10 йил давомида терминал СБЕ яшаш давомийлиги 10 йиллик bemорларда 1970 йилдан 2016 йилгача бўлган даврда 87дан 99%гача ошди. 20 йиллик яшовчанлик эса янги минг йилликнинг бошига келиб 80 дан 90 %гача ўсди [3, 46-49-б.]. Жаҳонда люпус нефрит ривожланишининг клиник-патогенетик ва генетик жиҳатларининг прогностик аҳамиятини баҳолашга йўналтирилган қатор илмий изланишлар давом этмоқда. Шунга қарамасдан люпус нефрит ва сурункали буйрак касаллиги bemорларнинг ўлимига сабаб бўладиган, тиббий ва ижтимоий жиҳатдан соғлиқни сақлаш тизимининг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Шу сабабли генетик текширувлар ўтказилиши, касалликнинг эрта босқичида аниқланишига имконият яратади.

ЛН аниқлаш ва даволашни эрта бошлиш буйраклардаги қайтмас яллиғланишларни хавфини камайтириб ва буйрак вазифасини сақлаб қолиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Люпус нефрит (ЛН) ТҚБ касаллиги натижасида юзага келиб, унинг ривожланиши касалликнинг кечишини ва кейинги прогнозини сезиларли даражада ёмонлаштиради. Шу сабабли даволашнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан уни ўз вақтида аниқ ташхис қўйилишига боғлиқ бўлиб, бу ЛН учун хавф омилларини ўрганиш муаммосини айниқса долзарб ва аҳамиятли эканлигини ва уни башорат қилиш учун информацион усусларни ишлаб чиқиш зарурлигини тақозо этади.

**Мұхоказа.** Тадқиқотимизда 117 нафар ТҚБ билан касалланған, ЛН ривожланған ва ривожланмаган беморлар гурухы ва 30 нафар назорат гурухидаги соғлом беморларни лабораторияда инструментал текширишлар натижаларига асосланған.

Текширишга ТҚБ билан касалланған, ЛН ривожланған ва ривожланмаган беморлар гурухы олинди.

Тадқиқтегі олинган барча беморлар лаборатор-инструментал текширувлардан үтказилди.

Текширишга олинган 117 нафар бемор асосан «ходиса-назорат» асосида 2 та асосий гурухларга ажратылған.

1 гурух ЛН ривожланмаган беморлар гурухы ( $n=47$ ). Эркактар  $n=4$  (8,5%), айырмашылык  $n=43$  (91,5%). Ўртача ёш- $36,4\pm1,9$  йил;

2 гурух ЛН ривожланған беморлар гурухы ( $n=70$ ). Эркактар  $n=6$  (8,6 %), айырмашылык  $n=64$  (91,4%). Ўртача ёш- $36,7\pm2$  йил;

Тадқиқтегі ишимизда ТҚБ билан касалланған, ЛН ривожланған ва ривожланмаган гурухларида лабораторияда инструментал текшириш натижалары гурухлараро таққослады.

Текширишга олинган 1 ва 2 гурух беморлар орасида буйракнинг функционал ҳолати сийдикдаги МАУ, қоннинг биокимёвий таҳлили мочевина, креатинин, КФТ ва буйрак томирлари доплерографияси натижалары асосида хамда холестерин, триглицеридлар, юкори ва паст зичликдаги липопротеидлар үрганилди.

**Натижалар.** Тадқиқтегі натижаларига күра 1 ва 2 гурух беморлари үзаро таққосланған 1-гурухга нисбатан 2-гурухда сийдикда МАУ ишончли даражада күп ажralиши күзатылды ва мөсравища  $22,6\pm0,825$  хамда  $248,5\pm5,39$  ( $P<0,05$ ) га тенг бўлди. Сийдикда МАУ миқдорининг ошиши қондаги мочевина ( $r=0,48$ ), креатинин ( $r=0,49$ ) ва буйрак томирлари доплерографияси резистентлик индекси (RI) билан ишончли ( $P<0,01$ ) мусбат корреляцион боғлиқлик борлигини хамда КФТ ( $r=-0,75$ ) билан ишончли ( $P<0,01$ ) манфий корреляцион боғлиқлик борлигини кўрсатди (1-жадвалга қаранг).

Касалликнинг давомийлиги КФТ билан ( $r=-0,35$ ) ишончли ( $P<0,05$ ) манфий корреляцион боғлиқлик аникланди. Шунингдек микроальбуминурия САБ, ДАБ, ўртча АҚБ билан хам ишончли ( $P<0,05$ ) мусбат корреляцион боғ хосил килди.

### 1 -жадвал


#### Кузатувдаги беморлар гурухларида биокимёвий кўрсаткичлар нисбати

Кўрсаткичлар	1 гурух	2 гурух
Ёши (йил)	$36,4\pm1,9$	$36,7\pm2$
Касалликнинг давомийлиги	$8,5 \pm 0,927$	$8,6\pm0,84$
Микроальбуминурия	$22,6\pm0,825$	$248,5\pm5,39^*$
Мочевина	$6,5\pm0,320$	$8,9\pm0,81^*$
Креатинин	$65,3\pm2,445$	$99,4\pm9,23^*$

Коптокчалар фильтрацияси тезлиги	$103,8 \pm 3,134$	$86,6 \pm 3,93^*$
Холестерин	$6,2 \pm 0,081$	$8,6 \pm 0,27^*$
Триглицеридлар	$2,1 \pm 0,047$	$4,8 \pm 3,64^*$
Паст зичлиқдаги липопротеидлар	$3,2 \pm 0,130$	$3,3 \pm 0,13^*$
Юқори зичлиқдаги липопротеидлар	$1,7 \pm 0,096$	$2,1 \pm 0,08$

**Изоҳ: \*-ишончлилик даражаси ( $P<0,05$ )**


Тадқиқот натижалариға қўра ЛН ривожланиши буйрак томирларида яллиғланишнинг ривожланиши билан содир бўлади, хамда буйракнинг функционал ҳолатини ёмонлаштиради (1 расмга қаранг).



**1-расм. Гуруҳлар ва гуруҳлараро альбуминурия натижалари.**


Ўрганилаётган гуруҳларда буйрак функционал ҳолатини баҳоловчи қондаги мочевина, креатинин ва КФТ кўрсаткичлари ўрганилди. Бунга қўра 1 ва 2-гуруҳ bemorlariдаги натижаларни гуруҳлараро қиёслаб ўрганганимизда ЛН ривожланган bemorларда буйракларнинг функционал ҳолати пасайғанлиги кузатилди ва ишончли даражада ( $P<0,05$ ) қайд қилинди, мос равишда  $6,5 \pm 0,320$ - $8,9 \pm 0,81$ ,  $65,3 \pm 2,445$ - $99,4 \pm 9,23$ ,  $103,8 \pm 3,134$ - $86,6 \pm 3,93$ .

Конда мочевина ва креатининнинг ошиши КФТ камайиши билан кузатилди. Мочевина ва креатинин кўрсаткичлари ўртасида ишончли ( $P<0,05$ ) мусбат корреляцион боғлиқлик борлиги хамда мочевина КФТ ва креатинин КФТ ўртасида ишончли ( $P<0,05$ ) манфий корреляцион боғлиқлик борлиги аниқланди. (2-расмга қаранг).




**2-расм. Гурухлар ва гурухлараро мочевина ва креатинин натижалари.**

Бундан шу нарса маълум бўладики, қонда мочевина креатининнинг ошиши, яъни буйрак етишмовчилиги ривожланган сайин КФТ пасайиши билан кузатилади.



**3-расм. Гурухлар ва гурухлараро КФТнинг натижалари**

Қондаги холестерин (ХС), триглицерид (ТГЛ) ва юқори зичликдаги липопротеид (ЮЗЛП) биринчи ва иккинчи гурухларни қиёсий ўрганилганда ишончли даражада ўзгариш кузатилмади. 1 ва 2-гурұхлар орасида ХСнинг ТГЛ, ПЗЛП билан мусбат корреляцион боғлиқлиги ( $r=-0,28$ ,  $r=-0,67$ ) борлиги кузатилди. (4 расмга қаранг).



**4 расм. Гурухлар ва гурухлараро триглицерид натижалари.**

ЮЗЛП касалликнинг давомийлиги билан манфий корреляцион боғлиқликни кўрсатди ( $r=-0,27$ ). 1чи ва 2 гурухлар ўртасида ПЗЛП ўрганилганда 2-гурухда 1-гурухга нисбатан юқорилиги кузатилди, ишончли даражада фарқ қайд қилинди ( $P<0,05$ ). ПЗЛП кондаги микдорининг ошиши буйракда қон айланишининг Vmax ( $r=-0,32$ ) ва КФТ ( $r=-0,22$ ) нинг пасайиши, яъни манфий корреляцияли боғлиқлик билан кузатилди.

**Хуроса.** Тадқиқот натижаларига кўра люпус нефрит ривожланган беморларда буйракларнинг функционал фаолиятини баҳоловчи КФТнинг пасайиши пешобдаги МАУни ошиши билан узвий боғлиқликни хосил қилди ва креатинининг мос равища юқорилиги билан ифодаланган бўлса, кондаги ТГЛ ва ПЗЛП микдорини ошиши билан кузатилди ва бу сурункали буйрак касаллигини янада ривожланишига сабаб бўлди.

### Адабиётлар/Литература/References:

1. Насонов ЕЛ, редактор. Системная красная волчанка. В кн.: Российские клинические рекомендации. Москва: ГЭОТАРМедиа; 2017. С. 113-41 [Nasonov EL, editor. Systemic lupus erythematosus. In: Rossiiskie klinicheskie rekomendatsii [Russian clinical guidelines]. Moscow: GEOTAR-Media; 2017. P. 113-41 (In Russ.)].
2. Костик М.М., Кучинская Е.М., Абдурагимова Ф.Н., Гурина О.П., Калашникова О.В., Часнык В.Г. Опыт применения ритуксимаба у детей с системной красной волчанкой: ретроспективное исследование серии случаев. Вопросы современной педиатрии. 2016; 15 (3): 295–300.
3. Weening J.J., D'Agati V.D., Schwartz M.M., et al. The classification of glomerulonephritis in systemic lupus erythematosus revisited. Kidney Int 2004;65:521-530.
4. Rovin B.H., Caster D.J., Cattran D.C., Gibson K.L., Hogan J.J., et al. Management and treatment of glomerular diseases (part 2): conclusions from a Kidney Disease: Improving Global Outcomes (KDIGO) Controversies Conference Kidney Int 2019;95:281-295. doi: 10.1016/j.kint.2018.11.008.
5. Соловьев СК, Асеева ЕА, Зоткин ЕГ и др. Проблемы низкой активности и ремиссии при системной красной волчанке. Научно-практическая ревматология. 2019;57(2):218-21 [Soloviev SK, Aseeva EA, Zotkin EG, et al. Problems of low activity and remission in systemic lupus erythematosus. NauchnoPrakticheskaya Revmatologiya = Rheumatology Science and Practice. 2019;57(2):218-21 (In Russ.)]. doi: 10.14412/1995-4484-2019-218-221.
6. Насонов ЕЛ, Авдеева АС. Иммуновоспалительные ревматические заболевания, связанные с интерфероном типа I: новые данные. Научно-практическая ревматология. 2019;57(4):452-61 [Nasonov EL, Avdeeva AS. Immunoinflammatory rheumatic diseases associated with type I interferon: new evidence. Nauchno-Prakticheskaya Revmatologiya = Rheumatology Science and Practice. 2019;57(4):452-61 (In Russ.)]. doi: 10.14412/1995-4484-2019-452-461.
7. Tektonidou MG, Dasgupta A, Ward MM. Risk of end-stage renal disease in patients with lupus nephritis, 1971-2015: A systematic review and Bayesian meta-analysis. Arthritis Rheum. 2016;68(6):1432-41. doi: 10.1002/art.39594.

# **MEDICINEPROBLEMS.UZ-**

## **TIBBIYOT FANLARINING DOLZARB MASALALARI**

**№ 1 (1)-2023**

**АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ МЕДИЦИНСКИХ НАУК**

**TOPICAL ISSUES OF MEDICAL SCIENCES**

**TIBBIYOT FANLARINING DOLZARB  
MASALALARI** электрон журнали  
02.03.2023 йилда 132099-сонли  
гувоҳнома билан давлат рўйхатидан  
ўтказилган.  
**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масъулияти чекланган жамияти.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик  
Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон  
манзил: [scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)  
Телеграм канал:  
[https://t.me/Scienceproblemsteam\\_uz](https://t.me/Scienceproblemsteam_uz)